

Ishonch

2019 йил 7 март • пайшанба • № 32 (4161)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Жамоатчилик комиссияси

Юнусобод энг обод гўшалардан бирига айланади

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларини бирдек обод масканга айлантириш мақсадида амалга ошириладиган сўй-ҳаракатлар кўлами кун сайин кенгайиб бормоқда. Аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари кўмаклашиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.



натилса, аҳоли учун анча қулайлик бўларди.

– Турмуш ўртоғим оғир касал, – деди шу маҳаллада яшовчи Нодира Имомназарова. – Уч нафар вояга етмаган фарзандим бор. Ҳозирда коммунал тўловлардан қарзларимизни тўлашда қийналяпман.

– Маҳалламизда яшовчи Д.Назарова 2-гурӯҳ ногирони, – деди маҳалла фаоли Насиба Исмоилова. – Даволаниши учун касалхонага ётқиши ҳамда дори-дармонига кўмаклашиш керак.

«Уста Ширин» маҳалласида авария ҳолатидаги уйларида яшаб келадиган аҳолини кўчириш ҳудуд фаоллари томонидан айтиб ўтилди. Бундан ташқари, Корхожа ота 1-тор кўчасида жойлашган собиқ 143-мактаб биноси Кураш федерациясига 2013 йилда берилган, лекин шу кунгача фаолият олиб борилмапти. Маҳалла аҳли мактабни қайта тиклаш ёки хусусий мактаб ташкил этишни таклиф қилди.

– Ҳудудда жойлашган 1956-1958 йилларда ёғочдан қурилган икки қаватли 16- ва 18-уйлар авария ҳолатида, – дейди «Бўзсув» маҳалласи раиси Машраб Сайдуллаев. – Аҳоли қийин шарафидан кун кечиради. Ушбу турар жойларни тезроқ бузиб, ўрнига замонавий кўп қаватли уйлар қурилса, яхши бўларди.

Бундан ташқари, 105-мактабнинг том қисмини бутунлай таъмирлаш керак. Томнинг умумий майдони 1625 кв.м.ни ташкил қилади. Шу билан бирга, мактабдаги ромларни алмаштириш ва мактаб ҳудудини асфальт қилиш керак. «Бўзсув» маҳалласи фаоллари эса Лайлақобод, Боғишамол ва Боғизрам кўчаларида умуман тунги ёриткичлар йўқлигидан шикоят қилишди. Уларнинг айтишича, Лайлақобод кўчасига устунлар ҳам ўрнатилмаган.

2-Мингўрик кўчасида ёғоч устунлар бор, аммо «Тошшаҳар-нур» ходимлари ёғоч устунларга ёритиш тизими ўрнатиш мумкин эмаслигини айтишган ва муаммо ҳалигача ҳал этилмаган.

Шу каби ҳал этилиши зарур бўлган масалалар бошқа маҳалларда ҳам мавжуд экани мулоқот давомида ўз аксини топди. Ижтимоий ёрдамга муҳтож, дори-дармон ва даволанишга имконияти етмаётган, шунингдек, уй-жой масаласида муурожаат қилган фуқароларнинг ҳам муурожаатлари эътиборга олинди.

Жамоатчилик комиссияси томонидан ҳар бир айтиб ўтилган масала ҳамда фуқаролар муурожаатларини ўрганиб чиқиш, уларни тезкорлик билан ижобий ҳал этиш бўйича туман ҳокимлиги ва масъул ташкилотларга тегишли топшириқлар берилди.

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,
«Ishonch» мухбири



Ўзбегимнинг аёли эъзоз учун яралган

Алишер Навоий номли Давлат академик Катта театрида «O'zbekim ayoli» миллий мукофотининг тақдими бўлиб ўтди.

Унда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, ўз соҳасида ютуқларга эришган аёллар 17 та номинация бўйича мукофотланди.

Ўзи нозик, аммо бардоши тоғ, шижоати баланд аёлларга мукофот ва сертификатлар топшириш маросими шуқули ва тантанали руҳда кечди. Мазкур гала-концерт

«Milliy» телеканали томонидан ташкил этилди ва тўғридан-тўғри намоиш қилинди. Унда сеvimли кўшиқчи ва санъаткорларнинг бетакрор чиқишлари томошабинларга катта завқ бағишлади. Кўп сонли томошабинлар театр қаршисидаги майдонга ўрнатилган катта монитор орқали мусиқачилар, кўзбўлагичлар,

таниқли қизиқчи ва цирк артистларининг кўнгилочар дастурлари ҳамда тақдирлаш маросимини томоша қилишди. Аёлнинг қўлидан келмаган иш йўқ, у нимагаки уннамасин, бари гўзал ва мукамал чиқади. Тақдирланганлар орасидаги Наргиза Арслонова фикримиз далилидир. «Баландлик қироличаси» эътирофига сазовор бўлган ягона аёл-қунон Наргизахон ҳар куни ердан 103 метр баландликдаги кўтарма

кранни моҳирона бошқариб, янги биналар, уйлар ва иншоотлар қуради. Бу жасоратли аёл иши билан фахрланиши, касбини севиши, жамият кўрқига кўрк қўшаётганидан мамнунлигини айтди. Бахт порлаб турган кўзларга қараб, бу сўзлар ростлигига амин бўласан киши. Чиндан ҳам, нима билан шуғулланиш эмас, меҳнатининг ўзинга ва атрофдагиларга қувонч ҳамда фойда келтириши муҳимдир.

2 >

Мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган Жамоатчилик комиссиясининг Юнусобод туманида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувида «Обод», «Посира», «Боғи бўстон», «Бўзсув», «Боғишамол», «Боғизрам», «Йўлариқ», «Кулолқўрғон», «Янги ҳаёт», «Беғубор», «Меҳнатобод», «Оқтепа», «Қадрдон», «Уста Ширин», «Янгиарик», «Қашқар», «Ифтихор», «Жомий» ва «Туркқўрғон» маҳаллалари фаоллари иштирок этди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Жамоатчилик комиссияси раҳбари Қудратилла Рафиков тумандаги ҳолатни таҳлил қилар экан, амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги вазифалар хусусида сўз юритди. Шундан сўнг маҳалла раислари ҳамда фаоллар ўзлари яшаётган ҳудуддаги муаммо ва камчиликларни баён қилишди.

Дастлаб «Обод» маҳалласи фаоллари ҳудудда мактаб, мактабгача таълим муассасаси ҳамда поликлиника қуриш, ички йўлларни таъмирлаш зарурлигини таъкидлашди.

– Поликлиника масаласи муаммо бўлиб турибди, – дейди «Посира» маҳалласи раиси Абдурахмон Тўраев. – Шу масала ижобий ҳал этилса, қолган камчиликларни баҳамжиҳатликда бартараф қиламиз.

«Йўлариқ» маҳалласи ҳудудида ҳам айрим муаммолар борлиги тилга олинди. Хусусан, Йўлариқ кўчаси ва Фароғат 3-тор кўчаси кесилган жойдаги 110 та хонадонга мўлжалланган трансформатор ҳозирда 410 та хонадонга хизмат кўрсатмоқда. Натияжада электр энергияси ўчиш ҳоллари тез-тез юз бериб, хонадонлардаги маиший техникаларнинг ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, бир

қатор кўчаларда ичимлик суви қувурлари таъмирталаб, куз-қиш мавсумида кўп мартаба авария ҳолатлари кузатилди.

«Оқтепа» маҳалласидаги Оқтепа кўчаси, Оқтепа 4- ва 7-тор кўчалари, Ўқитувчилар кўчаси, Чинобод кўчаси, Чинобод 3-берк ва 1-берк кўчаларини асфальт қилишга эътиёж бор. Оқтепа 1-, 4-, 5-тор кўчалар, Соҳибкор, Бобур, Ўқитувчилар кўчаларида ичимлик суви қувурлари таъмирталаб, куз-қиш мавсумида кўп мартаба авария ҳолатлари кузатилди.



чилар, шунингдек, Чинобод шоҳ кўчасининг масжиддан пастки қисмида канализация тизими мавжуд эмас. Оқтепа 7- ва 1-тор кўчаларида кабель тортилган, лекин ҳанузгача тунги ёриткичлар қўйилмаган. Маҳалла ҳудудида «боғча» йўқ.

Чинобод шоҳ кўчасида яшовчи ногиронлиги бор Б.Азимов коммунал тўловлардан қарзини узишга қийналяётгани, нафақаси дори-дармондан ортмаётганини билдириб, ёрдам беришларини сўради.

«Қадрдон» маҳалласи фаоллари ҳам ўзларини қийнаётган масалаларни баён қилишди.

– Маҳалла ҳудудида жойлашган мактаб, боғча олдида тунги ёриткичлар ўрнатиш керак, – деди маҳалла фаоли Саъдулла Пўлатов. – Бу йил кеча-ю кундуз серкаторов. Тунги ёриткичлар ўр-

чилар, шунингдек, Чинобод шоҳ кўчасининг масжиддан пастки қисмида канализация тизими мавжуд эмас. Оқтепа 7- ва 1-тор кўчаларида кабель тортилган, лекин ҳанузгача тунги ёриткичлар қўйилмаган. Маҳалла ҳудудида «боғча» йўқ.

Чинобод шоҳ кўчасида яшовчи ногиронлиги бор Б.Азимов коммунал тўловлардан қарзини узишга қийналяётгани, нафақаси дори-дармондан ортмаётганини билдириб, ёрдам беришларини сўради.

Жамоатчилик комиссияси томонидан ҳар бир айтиб ўтилган масала ҳамда фуқаролар муурожаатларини ўрганиб чиқиш, уларни тезкорлик билан ижобий ҳал этиш бўйича туман ҳокимлиги ва масъул ташкилотларга тегишли топшириқлар берилди.

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,
«Ishonch» мухбири

Давра сўхбати

Оила устунлиги, жамият гултожи

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда «Аёлнинг оиладаги мавқеини оширишда оммавий ахборот воситаларининг масъулияти» мавзусида давра сўхбати ўтказди.

Унда Журналистлар ижодий уюшмаси раиси С.Ҳакимов, «Оила» илмий-амалий маркази директори Д.Тошмухаммедова ва бошқалар юртимизда оила институтига давлат миқёсида эътибор берилмаётгани, аёл ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қатор ютуқларга эришилгани, бу жараёнларни ёритишда оммавий ахборот воситалари ўрни алоҳида эканлигини таъкидлади.

Юқори руҳда ўтган тадбир доирасида соҳада фаолият олиб бораётган фаол хотин-қизлар ва журналист аёллар тақдирланди.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Тараққиётнинг олдинги сафида

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар кенгаши ҳамда ҳудудий ва тармоқ касаба уюшмаларининг Хотин-қизлар комиссиялари бу жараёнда фаол қатнашаётир.

Ҳудудий ва тармоқ касаба уюшмалари Хотин-қизлар комиссиялари томонидан 389 та нодавлат сектордаги корхона ва ташкилотларда ишлаётган, кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар учун иш жойларида санитария-гигиена ҳолатларининг таъминлангани, жамоа шартномалари орқали уларга белгиланган имтиёزلарнинг бажарилиши ўрганилди. Ўрганиш натижаларига кўра, иш берувчи ва касаба уюшма кўмитасига таклиф ва тақдимотлар берилди ҳамда ижроси назоратга олинди.

2018 йил давомида жамоа шарт-

нома ва келишувлари орқали 10-702 нафар икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатилди. 3 447 та нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 6 633 нафар болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиغان қилиб белгилаш жорий этилди.

Аёлларнинг меҳнат қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан доимий жамоатчилик назорати олиб борилмоқда. Ишловчи аёллар махсус кийим, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари, даволаш-профилактика озиқ-овқати билан ўз

вақтида таъминланаяпти. Ташкилотларда маиший-санитария хоналари (кийимхона, ювиниш, аёлларнинг шахсий гигиена хоналари) мавжуд бўлиб, улар ўрнатилган меъёрларга асосан жиҳозланган.

Шу билан бирга, кам таъминланган, кўп болали, олис ва чекка ҳудудларда яшовчи оилаларнинг 413 нафар аёли, фарзанд кўрмаган ёш оилаларнинг 203 нафар ишлайдиган аъзоси бепул соғломлаштирилди. 2600 нафардан ортиқ эътиёжманд оила аёлларининг республикамизнинг тарихий шаҳарларига ҳамда ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор жойларга бепул саёҳати ташкил этилди.

2 >



Мавжуда ХАЛИЛОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар кенгаши раиси



«Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

«Хуқуқий ахборот» канали

Жаҳон божхона ташкилоти Бош котиби Кунио Микурия Ўзбекистонга ташриф буюрди.

uz.uz

Люксембург Буюк Герцоглиги ташқи ва Европа ишлари вазيري Ж.Ассельборн бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлди.

uz.uz

Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Эстония Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси (қароргоҳи Рига шаҳрида) этиб тайинланган Арти Хилпуниси қабул қилди.

ТИВ ахборот хизмати

Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов мамлакатда бўлиб турган Афғонистон Ислам Республикаси Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳамидулла Муҳиб бошчилигидаги делегация билан учрашди.

ТИВ ахборот хизмати

Жанубий Корея Савдо-саноат ва энергетика вазири Sung Yun Mo бошчилигидаги делегация «Узғиртехнаотхолдинг» акциядорлик жамиятида бўлди.

kun.uz

Россельхознадзор Ўзбекистондан қўл юки ва юкларда умумий оғирлиги 5 килограммдан кўп бўлмаган мева ва сабзавотларни олиб киришга рухсат берди.

fsvps.ru

Тараққийетнинг олдинги сафида

1 Ўзбекистонда фуқаролар, жумладан, хотин-қизларнинг дам олишга бўлган ҳуқуқи иш вақти давомийлигининг маълум чегараси ўрнатилгани, ҳафталик дам олиш кунлари ва йиллик ҳақ тўланадиган таътиллари берилиши орқали таъминланди. Хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқ мазкур соҳада мақсадли

йўналтирилган Давлат миллий сиёсатини юритиш орқали таъминланмоқда. Шунингдек, хотин-қизларнинг касбий тайёргарлиги, касбга қайта ўқитиш ва малака оширишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Тармоқ ва ҳудудий келишувларда ҳодимлар, шу жумладан, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигининг меҳнат шартномасига, шунингдек, уларнинг малака ҳамда ихтисосига мувофиқ таъминлиниши, корхона ва ташкилотларда ҳомиладор аёлларни ишга жойлаштириш учун қўшимча иш ўринлари яратиш, хотин-қизлар малакасини ошириш учун ўқувлар ва қайта ўқитишни ташкил этиш масалалари кўзда тутилган, аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва қафолатларга оид алоҳида бўлим киритилган

бўлиб, улар ижроси таъминланмоқда.

Бугунги кунда жамоа келишувлари ва шартномалари хотин-қизлар учун барқарор ойлик маоши тўланувчи ва хавфсиз меҳнат шароитларига эга бўлган иш жойларини сақлаш, дам олишини ташкил этишнинг қафолати вазифасини ўтамоқда. Жойлардаги касба уюшмалари қўмиталари қошидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари хотин-қизлар орасида меҳнат қонунларининг қоидаларини тушунтириш, ахборот-маърифий ишларни амалга оширяпти.

Қолаверса, аёлларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий қафолатларини таъминлаш борасида Халқаро меҳнат ташкилотининг бир қатор Конвенцияларининг бажарилишига риоя этиб келиняпти.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари таъминлиниши, бунинг нати-

жасида хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониётларининг кенгайиб бораётгани буйича Ўзбекистон тажрибаси халқаро ташкилотлар, хоржий касба уюшма марказлари ва халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Сирасини айтганда, юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор юксак даражада бўлиб, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, жамиятдаги нуфузини ошириш, ўз истеъдода ва иқтидорини намоён этишига қўмаклашиш борасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Бугун аёлларимиз нафақат оила бекаси, фарзандлар тарбиячиси, балки давлат ва жамият қурилиши, тадбиркорлик, иқтисодиёт, илм-фан, санъат, спорт, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаоллиги билан ажралиб туради. Зеро, жамият тараққийетини аёл зотисиз тасаввур қилиш мушкул.

Давра суҳбати

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашида «Ижтимоий мулоқот: хотин-қизларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси» мавзусида ўтказилган давра суҳбати хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоя муаммоларини ечишда касба уюшма ташкилотларининг роли ҳамда ижтимоий мулоқот тамойиллари ва механизмларига бағишланди.

Эътибор марказидаги масала



Исроҳ Хасанов олинган сурат

Тадбирда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедилов тизимда олиб борилаётган ислохотлар, бунда тармоқ касба уюшмаси ташкилотларининг роли, ютуқлар ва камчиликлар ҳақида атрофли сўз юритди. Соҳада фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар учун муносиб меҳнат шароитларининг яратилиши, уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва бу борада иш берувчилар билан кўпроқ ижтимоий музокарага киришиш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш буйича тарғибот-ташвиқот қилишда ижтимоий масъулиятни оширишга алоҳида урғу берилди.

3. Низомхўжаев Парламент ва ҳудудий комиссиялар томонидан амалга оширилаётган аҳолининг меҳнат соҳасига оид ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларга тўхтади. Мулоқот давомида тизимдаги мавжуд муаммолар, уларнинг ечими ва ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар юзасидан иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Тадбир якунида Президентимизнинг 2017 йил 26 майдаги «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган танлов совриндорлари тақдирланди.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА, «Ishonch» мухбири

Ҳикмат



Бошқаларнинг бахтини ўйлаб, ўз бахтимизни ҳам топамиз.

АФЛОТУН

Касба уюшмаси аралашгач ...

Меҳнат соҳасидаги қонуний талабларга бўйсунмаслик катта хатоларга сабаб бўлиши мумкин. Уйчи туманидаги Ғайрат ҚВПГА (Ғайрат 33-сонли оилавий поликлиникасига айлантирилган) 0,5 ставка патронаж ҳамшира вазифасига ишга қабул қилинган З.Ҳакимова билан ҳам шундай ҳолат юз берди.

Ишга тикланди

У 2011 йил июль ойида туғиш ва туғишдан кейинги таътилга чиқади, 2013 йил декабрь ойидан ишга қайтади. Бироқ унга тегишли буйруқ бошқа бир ҳаммасбининг 0,75 ставкасига ўриндошлик билан ишлаб туриши учун расмийлаштирилади. 2014 йил декабрь ойида яна туғиш ва туғишдан кейинги таътилга чиқади, 2017 йил январь ойида туғиш таътилидан қайтади. Бу сафар ҳам бошқа бир ҳаммасбининг ўрнига ишлашга расмат этилсин, дея буйруқ расмийлаштирилади.

Шу ўринда биринчи буйруққа эътибор қаратамиз: З.Ҳакимова билан дастлабки меҳнат шартномаси 2011 йилда номуайян муддатга тузилган ва бу шартнома бекор қилинмаган. Ҳар бир туғиш таътилидан қайтган ҳолатда бошқа иш ўринларига ишга жалб этилган, бироқ З.Ҳакимованинг розилиги олинмаган, у буйруқ билан таништирилмаган.

Тиббиёт бирлашмасининг буйруғига кўра, М.Илёсова ишга қайтаётгани сабабли Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 105-моддасига асосан З.Ҳакимованинг меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ расмийлаштирилган ва асос сифатида муайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси кўрсатилган. Айнан шу ўринда иш берувчи томонидан Меҳнат кодексининг 75-моддаси талаби бузилган. Мазкур моддада номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас, деб қайд этилган.

Юқоридagi ҳолатларга кўра, З.Ҳакимова билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши ғайриқонуний деб топилиб, ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун ҳақ ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиш юзасидан судга юридик хулоса берилди. Натижада З.Ҳакимова ўз ишига тикланди ва унга мажбурий бекор юрган кунлари учун белгиланган тартибда иш ҳақлари ундирилди.

Баҳром РАҲИМБЕРДИЕВ, Наманган вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлим мудири

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ИЖРОСИ

қизғин муҳокама остида

Истеъмом товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда амалдаги жамоа шартномаларининг 2018 йилдаги ижросига бағишланган йиғилишлар ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳридаги «Alutex» МЧЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Эликкальа туман ободонлаштириш бошқармаси, «Тўямўйин-Нукус» МСҚФ бошқармаси, Наманган вилоятидаги «Тола текстил» МЧЖ ва «Чуст Технолоҗ» МЧЖ, Фарғона

вилоятидаги «Бешиқ текстил» МЧЖ ва «Бешиқ тўқимачи» ҚК, Андижон вилояти «Сувоқова» ДУК ва Ободонлаштириш бошқармасида бўлиб ўтган муҳокамаларда тармоқ касба уюшмаси Республика кенгаши раиси, раисдаги ижросига бағишланган йиғилишлар буйича бош мутахассиси иштирок этди.

Йиғилишларда иш берувчи ва касба уюшма қўмитаси ҳисоботи тингланиб, иштирокчилар жамоа шартномасини текшириб борувчи комиссия раисининг текширув далолатномаси билан таништирилди.

Андижон вилояти «Сув-оқова» ДУК мисолида айтадиган бўлсак, 1096 нафар ходим меҳнат қилаётган корхонада жамоа шартномасига кўра ўтган йили вақтинча меҳнатга лажқатсиз бўлган 174 нафар ходимга 67 млн. 306 минг 600 сўм, кўп йиллик хизматлари учун 10 нафар ходимга 5 млн. 610 минг сўмлик устама ҳақ, кечки сменда ишловчи ходимларнинг 300 нафарига 400 млн. 167 минг сўм қўшимча тўловлар, ходимларнинг пенсияга чиқиши муносабати билан рағбатлантириш учун 9 нафар ходимга 4 млн. 329,0 минг сўм, мада-

ний тадбирларга 17 млн. 280 минг сўм маблағ иш берувчи ва касба уюшмаси ҳисобидан сарфланди.

Бундан ташқари, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга доир қўшимча имтиёзлар бериш мақсадида жамоа шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи кўриб чиқилди.

Р. МИРХОДЖАЕВ,

Истеъмом товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя масаласи буйича бош мутахассиси

Ўзбегимнинг аёли эъзоз учун яралган

1

Ислом Каримов номли Тошкент Халқаро аэропортида стюардесса бўлиб ишлайдиган Раъно Бобобекова ҳам муносиб хизматлари учун мазкур мукофотга лойиқ деб топилди. Раънохон ўтган йили Москва шаҳрида бўлиб ўтган «Скай-сервис» халқаро танловидан иштирок этиб, дунёнинг 19 авиакомпаниясидан келган 76 нафар иштирокчи ўртасида 1-ўринни эгаллаб, «Энг яхши борт кузатувчиси» шарафига сазовор бўлган. 6 тилни мукамал эгаллаган Раънохон ҳар қандай мураккаб вазиятда ўзини йўқотиб қўймайди, дарҳол аҳволни ўнглашга, йўловчиларга далда беришга уринади. Парвоз вақтида йўловчилар билан хушмуомала ва сичков бўлиш лозим, деб ҳисоблайди. Парвоздан кўриқиб, баландликдан ваҳимага тушиш кўпчиликка хос. Раъно Бобобекова бундай вақтларда йўловчига кўрковни енишга ёрдам беради, тажрибалиларини энди иш бошлаган борт кузатувчиларига бажонидил ўргатади.

Тоғ чўққисини забт этиш буйича Ўзбекистон чемпиони 25 ёшли Ирода Рафиқова жасорати билан барчани қойил қолдирди. Спортнинг ушбу экстримал тури ёшлар ўртасида кундан-кунга оммалашиб бормоқда. Тезлик, мураккаблик ва боулдеринг каби уч босқичдан иборат мусобақада Ирода бошқа спортчилардан устун келди. Юртимизнинг тоғли ҳудудларида асосан кулчи жинс вакилларига хос спорт билан шуғулланган Ирода аёл киши учун ўз мақсадида эришишда ҳеч нарса тўсик бўла олмаслигини исботлади.

Самарқандлик Гулистон Жовлиева набира суйиб роҳатланадиган ёшда. Аммо опа юрагидаги ғайрат, дилидаги ният ва режалар уни йирик фермер хўжалиги раҳбарига айлантирди. Гулистон опа эрта тонгдан қоронғи шомга қадар далада – қор ёғса ҳам, ёмғир қуйса ҳам ишлайди. Набираларининг аллақачон улғайиб, қаторга кириб қолгани ҳам опани мақсадидан қайтармайди. Гулистон опа учун иши худди оиласи, меҳрибон турмуш ўртоғи, жондан азиз фарзандлари ва набиралари каби юрак парча-



сидир. Далада тракторини ҳайдаб кетаётган ҳолат акс этган видеороликни кўргач, ўзингиз ҳам аёлни ёш ва гўзал қилувчи, турмуш ташвишларини унуттирувчи муваффақият формуласи – унинг севимли иши эканига амин бўласиз.

Тақдирланганлар орасида тикувчилар, темирйўлчилар, ўқитувчилар, шифокорлар, Паралимпия ўйинлари иштирокчилари бор. Бу қаҳрамон аёлларнинг ҳар бири саҳнада кўнглидаги энг эзгу тилақларини изҳор этди. Ватан олдидаги меҳнатлари ўз муносиб баҳорисини топгани, қадрлангани улар кўзига ёш қалқитди. Бу қувонч, самимият катта залда йиғилганларни ҳам таъсирлантирди, эътироф ва олқишлар узоқ давом этди.

Инсониятнинг бетакрор вакиллари ўзларини кўтлаб қўшиқ қуйлаган санъаткорларга жўр бўлишди, юракларини тўлдирган бахт, мамнуниятларини шу тариқа изҳор этишди.

Мазкур унутилмас тантана ўзининг бетакрорлиги ва юқори даражада ўтказилганлиги билан йиғилганларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

Гуля МАҲҚАМОВА



Ула суратлари

Ана ҳолос!

Иштихон тумани «Деҳқонобод» МФЙ Тоғайбек қишлоғида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар ноҳақликка дуч келишди. 2018 йили ҳудуддаги «NEW GOLD STAR» фермер хўжалиги қишлоқда яшовчи 15 нафарга яқин кишини (аксарияти аёллар) яғана, далани бегона ўтдан тозалаш, чилпиш ишларига жалб этди.

Фермер ваъда бераверади(ми?)

Улар мавсум давомида бир сўм ҳам ҳақ олмасдан оғзаки келишув асосида ишлашди. Фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Сайдинов даставвал меҳнат ҳақини жамлаб, бир йўла тўлашга сўз беради. Мавсум поёнида эса меҳнат ҳақига даладаги ғўзапоённи йиғиб олишлари мумкинлигини айтади.

Тумандаги қатор идораларга мурожаат қилди. Улар фермер хўжалиги томонидан Меҳнат кодексининг 74-, 81- ва 82-моддалари талаби бузилганлигини қайд этишди, – дейди Омон Бўтаев. – Аммо ҳеч бири ҳақимизни ундириб бера олмади. Охир оқибат турли ташкилотлардан келган бир қўлтиқ жавоб хатларига эга бўлдиқ, ҳолос.

Фермер хўжалигининг раҳбари Баҳодир Сайдиновдан жўяли жавоб олиш қийин. У гоҳо бу хўжаликнинг мутлақ эгаси эмаслигини, ҳақиқий бошлиқ туман катталаридан бири эканини айтиб сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлса, гоҳо иқтисодий имконияти келишимаганини баҳона қилади. Фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Тоҳир Эшматовнинг тушунтириш хатидаги манзара янада ташвишли. Хўжалик 15 кишини эмас, 35 кишини оғзаки шартнома асосида ишлатиб меҳнат ҳақи тўлаб бермаган.

Иштихонда бу машаққатни ечиш у ёқда турсин, эшитадиган мутасаддининг ўзи йўқ, чоғи. Акс ҳолда оилам наф кўрсин, мавсумда уч-тўрт сўм ишлаб олай, дея ҳаловатдан кечган фуқаролар бу қадар сарсон бўлмасди. Энг ачинарлиси, ҳафсаласи пир бўлганларни энди далага қайтариб бўлармикан?

Абдунаби ТУРСУНОВ, Самарқанд вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши етакчи юристконсулти

Тадбир

Қадрингиз ҳар дам улғ

Федерация Кенгаши тасарруфидаги Ўқув марказида Тошкент вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Аёллари қадр топган диёр» номли маданий-маърифий тадбир ўтказди.

Муқимий театри актёрлари Гулчехра Носирова ва Равшан Дадажонов ҳамда шоир Мирзо Карим иштирокида ўтган тадбирда АЁЛ, ОНА сиймосига эҳтиром ўз ифодасини топди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқени мустаҳкамлаш борасида тарихий ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Тошкент вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Муроджон Носиров. – Бу жараёнда касба уюшмалари ташкилотлари фаол иштирок этмоқда.

– Бугунги тадбирда аёлларнинг жамиятдаги фаоллиги, уларнинг таълим ва тарбия борасидаги хизматлари қанчалик беқиёслигини яна бир бора кўрдик, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти буйича масъул ташкилотчиси Равшаной Ғозиева.

Тадбирда байрам иштирокчиларига эсдалик совғалари топширилди.

Мақдлий УМИРЗОҚОВА, «Ishonch» мухбири

Миннатдорлик

Аскар йигит армуғони

Оддий аскар Амон Эгамбердиев сафдошларига ҳар томонлама ўрнатилган ҳарбий хизматчилардан. У Ички ишлар вазирлиги Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинларининг Бухоро шахридаги ҳарбий қисмида бурчинни намунали ўташ асносида турли маданий тадбирлар, спорт мусобақалари, ташкилий ишларда фаоллиги, зукколиги билан ажралиб туради.

Яқинда муҳташам саҳнада юзлаб кишилар кўз ўнгида ҳарбий қисм раҳбарияти вакили шундай йигитни вояга етказгани учун Амонжоннинг онаси Ҳанифа Ғойибовага миннатдорлик билдирди.

Бухоро давлат музыкали драма театрида «Аскар оналарини шарафлаймиз» шиори остида ўтказилган бадиий-муслиқий кечада Амонжоннинг сафдош дўстлари ҳам ўз волидаларини айти шундай кўринишда қўтлашди. Шунингдек, ҳарбий

қисм ҳамда театр жамоаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир давомида аскар оналарига ташаккурномалар топширилди.

Ўз навбатида, ҳарбий қисмда хизмат қилаётган бир гуруҳ хотин-қизлар ҳам совға-салом ва фахрий ёриқлар билан тақдирланди. Аскар йигитлар ижросидаги куй-қўшиқлар, саҳна кўри-нишлари тадбирга ўзгача кўтаринкилик бағишлади.

Рустам ИБРАГИМОВ, «Ishonch» мухбири

Тавофи Каъбайи мақсуда келдим, дилкашон онам



Алишер НАВОИЙ

Равза боғи висолин истар эсанг

Оналарнинг оёғи остидадир
Равза жаннат-у жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг
Бўл онанинг оёғин туфроғи.



Муҳаммад ИСМОИЛ

Ёруғ кунлар ёздинг пешонасига

Оллоҳим, чеки йўқ саховатингни,
Онамдан аяма саодатингни.
Умрини узоқ қил, этгин саломат
Кучини кўрайин шарофатингни.

Ёруғ кунлар ёздинг пешонасига,
Тилло-ю зар сочинг оstonасига.
Яна умр бергин этгин шафоат,
Онамни тўйдирма паймонасига.

Не қилсанг қилурсан қўлингда сенинг!
Бахт топган қанча ўнг, сўлингда сенинг!
Онамга умр бер, этгин саховат
Ҳар кун бош урурман йўлингда сенинг!

Давлатинг камайиб қолмайди асло.
Бойликдан сенда йўқ асло муаммо.
Онамга умр бер, ҳаёт бер, ҳаёт
Сен ҳаёт берувчи зотдирсан танҳо!

Ҳаммани ҳар қачон сийлагансан, сен,
Ҳеч кимнинг ризқини қиймагансан, сен.
Илтижоларим эт, ўзинг ижобат
Мустажоб этмасдан қиймагансан, сен.

Онамга умр бер, қодир Худойим!
Мўъжизангни этгин содир, Худойим!
Ўнглаб юборасан умрин эртага,
Унга соғлиқ бергин ҳозир, Худойим!



Шодмонкул САЛОМ

Аёл, мен қошингда мангу гўдакман!

Манзура келганди, онам шод эди,
Бошқоронгу эди бизнинг Шоҳиस्ता.
Руҳим қирларига турналар кўниб,
Сузиб кетардилар оҳишта...

Онамнинг қувончи жудаям қиммат,
Жуда осон эди ғусса ташрифи.
Манзуржон, бир даста гулдай келдинг-а...
Онамнинг бундан саз йўқдир таърифи.

Манзура кенжамиз, эрқароқ эди,
Унинг уч ўғлини овлади сайёб.
Кўнглига боқмадинг, кўзига боқмадинг,
Бунча кўлинг қаттиқ, отажон, Ҳаёт!

Кейин онам кетди... тўйга кетгандай,
Манзура кўнмади – йиғлақ бўп қолди.
Унинг анор суви жондай кўнглига
Худойим барибир сабр ҳам солди.

Ҳа, шул-да, кўнмоқ-ку, бандадан талаб,
Не-не баҳоналар қилиб кўрмадим.
Бизларни Оллоҳдан олганди тилаб,
Айтган томонга сира юрмадим.

Ҳа, шул-да, юпанчим – таскинни топдим,
Йиғлатганим ўзи юпатди охир.
Қўноғидан қочган қулундай чопдим,
Бунчалар ширин бу! Воҳ, бунча талхдир.

Сен борсан, баҳорга ишонаман-да,
Сен борсан, кузакнинг тилин топурман.
Онам, синглим, қизим ва яна сен ҳам,
Келинлар, меҳримдан нонлар ёпурман.

Аёл, мен қошингда мангу гўдакман,
Шаррор кўшиқ бўлиб юрибман, мана.
Аёл, сен борсанки, гаилардан қулиб,
Шоирлар қилурлар зебо тантана.

...Ердан бошқасида сув йўқ демишлар.
Қақраган кўнглимга оқувчи зилол.
Инсонга меҳр-ла қўл чўзган Тангрим,
Ўша азиз кўннинг бир номи аёл.
Аёл, мен қошингда мангу гўдакман...



Бобораҳим МАШРАБ

Меҳрибон

Жамолнинг кўргали келдим, аё эй меҳрибон онам,
Менинг учун адо бўлган юраг-у бағри қон онам.

Ҳўтан даштига туштум бул фалакнинг гардиши бирлан,
Эшиткил арзи ҳолимни, мен айтай сенга, жон онам.

Ажойиб меҳрибонимсан, мени оромни жонимсан,
Муроди ду жаҳонимсан, биҳишти жовидон онам.

Мени бир жоду кўзлук бул жаҳон ичра хароб этти,
Қади сарв-у санавбар, қошлари мисли камон, онам.

Бошимга тушти бул савдо, бўлубман булбули шайдо,
Шабистони жаҳонда кумридек шаққарфишон онам.

Бу ишқ ўти хароб этти, юрак-бағрим кадоб этти,
Мени хоки туроб этти юзи моҳитобон, онам.

Сени кўп интизор эттим фироқ ўтига, эй Каъбам,
Тавофи Каъбайи мақсуда келдим, дилкашон онам.

Илоҳо, афв қилғайсан бу Машрабининг гуноҳини,
Туфайли онайи зорим, ғариб-у нотавон онам.



Абдулла ОРИПОВ

Ўзбек онаси

Муштипар ҳам ўзинг, буюк ҳам ўзинг,
Куйинчак ҳам ўзинг, куюк ҳам ўзинг.
Оламга татирлик суюк ҳам ўзинг,
Пайт келди айтмоққа гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Сени Тўмарис деб, мақтаганим бор,
Сен Темур бешигин тебратган бедор,
Сенсан Бибиҳоним, Нодираи зор,
Пайти келди айтмоққа гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Ватанни Она деб бекор айтиммас,
Она буюрганда йўлдан қайтиммас,
Сен ўзинг Каъбамсан, Байтул муқаддас,
Пайт келди айтмоққа гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Бошингдан нималар ўтмади, ахир,
Ватандек тақдиринг бўлди гоҳ тахир,
Бобур шоҳ бўлса-да, қошингда фақир,
Пайт келди айтмоққа гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Гоҳида балқидинг Барчиндек тўлиб,
Ғуздек қуридинг Турсуной бўлиб,
Тимсолнинг яловда юлдуздек қулиб,
Пайт келди айтмоққа гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.



Фарзандинг қувонса — сен ҳам қувондинг,
Фақат болам дединг, яшадинг, ёндинг,
Нокаси учраса, ўртандинг, тондинг,
Пайт келди айтмоққа гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Келажак тойчоғ-у тойингиздадир,
Жаннат ҳам, албатта, пойингиздадир,
Ватан-ку Сиз турган жойингиздадир,
Пайт келди, айтмоққа гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Сизга таъзим қилиб турибман бу пайт,
Сизга бахшидадир энг шоҳона байт,
Азиз эл-у юртга дуоларинг айт,
Пайт келди айтмоққа гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.



Омон МАТЖОН

Улуғ сўз

Юлдузлардан сирқилиб шабнам,
Уфқ билан кўришганда ер,
Офтобга кипригим билан
Она сўзни ёздим гўё шеър.

Аму оқар мисоли булут,
Уфқ бўлиб оқади Аму,
Қирғоғини этса ҳам унут,
Майсаларни унутмайди у!


Ҳар кўкат, ҳар баргининг номига
У элтади тоғлардан таъзим,
Она деган сўзнинг ёнига
Чизгим келди МАЙСАнинг расмин.

Капалак ранг, булбуллар оҳанг
Кашфи билан маст бўлган лаҳза,
Она сўзин қаватиға ман
Ёзиб кўйдим БАҲОР деб аста...

Мен жо этдим Она номига
Ерни сўнги гардигача то.
Энди Она сўзи ёнига
Дадил ёзиб кўяман: ДУНЁ!

Мен юлдуз деб уни куйлайман,
У Ватандир,
У Арши аъло.
Мен унга минг ташбеҳ ўйлайман,
Епказурман миллионга ҳатто...

Ерда, лекин минг-минглаб одам
Она номин билса муқаддас.
Уруми деган биргина сўздан
Оналарни сақлай олур, бас!



Рауф ПАРФИ

Мактуб

Эшитдим, онажон, хафа эмишсан,
Кечир, ойлаб сенга ёзолмадим хат.
Гарчи муҳаббатдан тилардим эҳсон,
Ёруғ кунларимга бўлгандим илҳақ.

Юзимга нафасинг урилар илқ,
Ажиб ёруғликка тўлмоқда хона.

Суратим қошида дуолар қилиб
Тагин йиғладингни, муштипар она?

Ўша гап, севганим шу азиз Ватан,
Бу қадар ташвишлар ютмагил, бағрим,
Ўксук отам каби ҳали ҳам зотан,
Қалқиниб-қалқиниб турибди шаҳрим.

Биламан... сирни бой беришлик ёмон,
Ўғлингга бу йўлда бардошлар тила.
Баъзан топганимни ичиб кўяман
Сирни бой бермасдан улфатлар ила.

Бироқ эҳ, билмайман, гўёки зимдан,
Кимдир таъқиб этар мени беомон.
Қандайдир бир кимса балки ҳақимда
Хунук латифалар тўқийди, ёлғон...


Она, куйланмаган бир куй истаيمان
Ва лекин алдоқчи ҳислар олур жон.
Эҳтимол, қаламни бекор қистайман,
Нетайин, ростини айтгил, онажон.

Яшил дарахтзорни ечинтирар куз,
Пойимда баҳорнинг алвидо уни.
Беларво ёшликни илғамайди кўз,
Қайлардан ахтарай, онажон, уни.

Билурман... йўлимда ғичирлар тошлар,
Заъфарон куз янглиғ хаёлим тақир.
Шаҳарнинг ғавғоли тинчини ташлаб,
Узоқ вақт ёнингга бормадим, ахир.

Эшитдим, онажон, хафа эмишсан,
Кечир, ойлаб сенга ёзолмадим хат.
Гарчи муҳаббатдан тилардим эҳсон,
Ёруғ кунларимга бўлгандим, илҳақ.

Бахтсизликка ўхшаб кетар бу ҳолим,
Сенсиз бахтсизликка ўхшайди қисмат,
Сенсиз ёришмасди менинг хаёлим,
Дунёнинг лақаби бўлурди Ҳасрат.



Муҳаммад ЮСУФ

Онамга хат

Мен сизни ўйлайман шом-у саҳарда,
Она, соғинсам ҳам бора олмайман,
Тунлари чароғон шундай шаҳарда
Ҳеч кимга кўнглимни ёра олмайман.

Мен сиз айтгандайин ҳаммани севдим,
Ҳамага ишондим, мана оқибат:
Ўз дўстим уйига кўмилди севгим,
Кун бўлиб кўксимни куйдирди нафрат.

Бошимдан ўтгани кўкка ҳам аён,
Юлдузлар қиқирлаб қулар оқбадан:
Мен – зангор яйловда олис, бепоён,
Уюрдан ажраб қолган қулунман...

Мана, мен кетялман тош йўлда кўзим,
Қадамим мошинлар йўрғасига мос.
Йиғласам юпатиб ўзимни ўзим,
Пишиқиб кўяман тойчоқларга хос.

Ва сизни ўйлайман шом-у саҳарда,
Она, соғинсам ҳам бора олмасман.
Тунлари чароғон шундай шаҳарда
Ҳеч кимга кўнглимни ёра олмасман...

Ҳа, севди ҳақида. У дилга не зеб,
Куйинманг, не илож қилмасанасиб,
Бахтимга ҳамиша Сиз соғ бўлинг деб,
Соғинган ўғлингиз – Муҳаммад Юсуф.



**ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ**

**Табиат чирой очаётган
илк баҳор кунларида бутун
Ўзбекистон хотин-қизларини
8 Март – Халқаро
хотин-қизлар куни
билан самимий қутлайди.
Фарзандларингиз ва
яқинларингиз,
эл-у юртимиз бахтига
ҳамиша омон бўлинг,
азиз опа-сингиллар!**



Халқимиз анорнинг ичида нечта донаси бўлса, у шунча дардга даводир, деган иборани кўп ишлатади. Табобатда бу неъматнинг нафақат меваси, балки пўчоғи, гули, барги, новдаси ва, ҳаттоки, илдизи ҳам кони фойда экани қайд этилади.

Анор таркибиде 15 турдаги аминокислота учрайди ва шундан 5 таси бошқа жойда учрамайдиган ҳисобланади. Шунингдек, ушбу мева К, С, В9 ва В6 витаминларига ҳамда калий, асал, марганец ва фосфор минералларига жуда бой.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, доимий анор истеъмол қилиш юрак урушининг мунтазамлигини барқарорлаштиради экан. Сабаби, анорда пуникалагин моддаси бор. Бу модда танадаги оксидланиш ҳодисасига фаол қаршилик кўрсатиб, юракдаги қон айланиш тизимининг бир маромда давом этишини таъминлайди. Бундан ташқари, пуникалагин холестерин моддаси ишлаб чиқарилиши камайишига хизмат қилади. Бу эса юрак-қон томирларида туғунлар пайдо бўлиш хавфини йўқотади.


Ёшлиқни сақлайди

Олимлар анорнинг альсгеймер хасталигига энг яхши даъво эканлигини аниқлашган. Бу хасталик витаминлар етишмаслиги натижасида тез кексайиб қолиш билан боғлиқ бўлиб, анор таркибидеги пуникалагин моддаси бош миёдаги тўқималарнинг емирилишига йўл қўймайди. Анор таркибидеги анти-аге моддаси эса терининг бурилишига қаршилик кўрсатиб, ажинлардан сақлайди.

Анор меваси орасидаги пардани қуришиб, гиёҳли чойга қўшиб ичиш асабларни тинчлантиради, уйқусизликдан халос бўлишга ёрдам беради.

Гўзаллик яратади

Бундай дейишга асос бор-да. Анорнинг косметик хусусиятлари ҳам мавжуд. Маълумотларга кўра, анорли суртомлар ва ванналар косметологияда



Шифобахш неъматлар

доғлар, сепкиллар, хуснбузарларни йўқ қилишда фаол ишлатилади.

Анор уруғини майдалаб асал билан хамир қориб боғланса, қўл ва оёқдаги қадоклардан қолган доғни йўқотади. Пўстини майдалаб зайтун ёғида қовуриб, ҳафтада икки марта юзга никоб қилинса, ёғли юз териси ва хуснбузарлар безовта қилмаслиги тайин.

САРАТОН СОЯ СОЛМАЙДИ

Тадқиқотчилар анорда саратонни келтириб чиқаришни тўхтатувчи фойдали моддалар борлигини, улар кўкрак саратонни ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкинлигини аниқлаган.

Замонавий тиббиётда ҳам, халқ табобатида ҳам аёлларга кўпроқ анор ейиш тавсия этилади. Бунинг учун анор шарбатидан кунига 3 маҳал, 1 стакандан ичиб туриш бунорлади. Бундай халқона муолажа 4 ой давом эттирилса, камқонликдан батамом қутулиш мумкин. Гўшт маҳсулотли таомларни истеъмол қилмайдиган вегетариан инсонлар дастурхониде доимий равишда анор бўлиши керак.

МЕЪЁР БЎЛГАНИ ЯХШИ

Шуни эслатиб ўтиш керакки, ошқозон яра касаллиги бор инсонларга анорни истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Чунки у жуда ҳам нордон ва кислоталидир. Анор шарбатининг ўзини ичиш тиш эмали емирилишига олиб келиши мумкин. Шу боис, унга озгина қайнатилган сув қўшиб ичиш мақсадга мувофиқ.

Анор меваси ва пўстлоғидан тайёрланган дамлама ва қайнатмаларни кўп миқдорда истеъмол қилиш бош айланишига, умумий дармонсизликка, кўнгил айнашига, қусишга ва ҳатто томир тортишишига олиб келиши мумкин. Ширин анорни ҳаддан зиёд кўп ейиш, ҳазми бузиб, меъдани заифлаштиради.

Озода РЎЗИҚУЛОВА
тайёрлади

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМА
ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ**

**Истиқболли порлоқ юртимизнинг гуллаб-яшнаш,
тараққий этиши йўлида жонбозлик кўрсатиб фидокорона меҳнат
қилаётган мамлакатимизнинг барча мунис аёлларини, шу жумладан,
касаба уюшмалари тизимидаги фаол хотин-қизларни
8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ
байрами билан самимий табриклайди.**



Бугун юртимизда хотин-қизларга эътибор ҳар қачонгидан юқори. Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ҳам аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар тобора кенг қўлам касб этмоқда.

Президентимизнинг «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ вилоятдаги 1330 нафар кам таъминланган аёлга 1 млрд. 617 млн. сўмлик маиший техника воситалари олиб берилди. Тиббий ёрдамга эҳтиёжи бор 114 нафар оила вакилларига дори-дармон ва тиббиёт муассасаларида даволанишлари учун қўмақлашилди. Уй-жойларни таъмирлашга муҳтож 475 та кам таъминланган оиланинг хонадонлари мукамал таъмирланди.

Айниқса, оғир уй-жой шароитларида яшаб келаётган ногирон, боқувчисини йўқотган аёлларнинг уй-жой билан таъминланаётгани юртимизда аёллар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганлигининг ёрқин тасдиғидир.

Эълон
МЧЖ «Кўп тармоқли иختисослаштирилган аукцион савдо» (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси
бахоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибиде ўтказиладиган очик кимошди савдосига таклиф этади!

Очиқ кимошди савдосига қўйиладиган автотранспорт воситалари кўйилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички ишлар Халқаро аэропортларида хавфсизлиқни таъминлаш қўшинлари 7251-сонли ҳарбий қисмига қарашли бўлган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 01 072 VSV бўлган «Зил 131» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи – 41 075 000 сўм.**
2. Тошкент шаҳар, Юнусовод тумани, Мустиқлик кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармасига қарашли бўлган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 01 492 VBA бўлган «Газ 2705-14» (носов ҳолда) русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи – 30 755 937 сўм.**

Аукцион савдолари 2019 йилнинг 9-23 апрель ва 7 май кунлари соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Маъмур автотранспорт воситалари 2019 йил 9 апрель кунги аукцион савдоларида сотилмай қолган тақдирда эълонда кўрсатилган кейинги белгиланган савдо кунларида ўтказилишини маълум қиламиз.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси савдода қатнашиш учун юзга келадиган барча харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширадидилар.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда КТИАСнинг ҳисобрақамига (ҳ/р: 20208000904929477001, «Ипотека банк» АТБнинг Шайхонтоҳур филиали, МФО: 00425, ИНН: 302074183, ОКОНХ 83200) тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9:30 дан 16:00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. **Телефон:** (71) 249-54-59. **Веб-сайт:** ktias.uz
Хизматлар лицензияланган.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнат фахрийси, адабиётшунос олим **Омонулла МАДАЕВИН**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тармоқ касаба уюшмаси Бўқа тумани кенгаши бухгалтери **Илдар СОДИҚОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федератсияси

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Кархона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-91) 537-61-76
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-91) 233-69-07
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдурахимов

Мусаҳҳих:
С. Шодиева

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Ўза яқини – **01:30**
Топширилди – **01:40**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г – **317**. **30510** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 6